

«ТАСДИҚЛАНГАН»
“UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ
Кузатув кенгаши мажлисининг
2023 йил 11 октябрдаги
4-сон баённомаси билан

“UzAssets investitsiya kompaniyasi”
акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг
Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси
тўғрисида
НИЗОМ

Тошкент – 2023 йил

Мундарижа

I. Умумий қоидалар	2
II. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасининг таркиби.....	2
III. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасининг асосий вазифалари	3
IV. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби	4
V. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	6
VI. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси аъзоларининг жавобгарлиги.....	7
VII. Яқунловчи қоидалар	7

“UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамияти
Кузатув кенгашининг Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси тўғрисида
НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сон Фармониغا, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори билан тасдиқланган “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислох қилиш стратегияси”га, “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – Жамият) Уставига, Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга ва бошқа ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Кузатув кенгаши Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасининг (кейинги ўринларда – Қўмита) ҳуқуқий мақомини, таркибини, ваколатларини ва ишлаш тартибини белгилайди.

3. Қўмита энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Кузатув кенгашига кадрлар ва мукофотлаш соҳасида тавсиялар тайёрлаш учун Кузатув кенгашининг қарори асосида ташкил этилади. Қўмита Кузатув кенгашининг доимий фаолият юритувчи ишчи органи ҳисобланади.

4. Қўмита ўз фаолиятини қонунчилик, Жамият Устави, Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом ва мазкур Низомга асосан амалга оширади.

II. Қўмитанинг таркиби

5. Қўмита фақат Кузатув кенгашининг аъзоларидан 3 (уч) кишидан иборат таркибда ташкил этилади. Қўмита таркибига камида бир нафар Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси киритилиши шарт.

6. Қўмита аъзолари Кузатув кенгаши раисининг тавсияси асосида Кузатув кенгаши аъзолари ичидан уларнинг ваколат муддати даврига кўпчилик овоз билан сайланади. Қўмита раиси Қўмита аъзолари орасидан Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Қўмита раиси Кузатув кенгашининг раиси бўлмаслиги лозим.

7. Қўмитанинг таркибига сайланган Кузатув кенгаши аъзолари чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

8. Қўмита аъзоларини сайлаш вақтида ўз ваколатларидан тўлақонли фойдаланишлари учун уларнинг маълумоти, касбий маҳорати, Қўмита фаолияти соҳасидаги иш тажрибаси ва бошқа махсус билимга эга эканликлари инобатга олиниши зарур.

9. Қўмитага раҳбарлик қилиш ва фаолиятини ташкил этиш Қўмита раиси томонидан амалга оширилади. Қўмита раисининг вақтинчалик йўқлигида раис вазифасини бажариб туриш Қўмита аъзоларидан бирига юклатилиши мумкин.

10. Қўмита аъзолари ўртасидаги функциялар тақсимланиши Қўмита раиси томонидан амалга оширилади.

III. Қўмитанинг асосий вазифалари

11. Қўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Кузатув кенгаши ҳамда Жамиятнинг кадрлар сиёсати ва ташкилий ривожланиши бўйича қарорлари, шунингдек ички норматив ҳужжатлари ижросини назорат қилиш;

Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзоси лавозимларига номзодлар бўйича Кузатув кенгашига тавсияларни шакллантириш;

Кузатув кенгашига сайланадиган номзодлар бўйича тавсияларни шакллантириш;

Бошқарув раиси ва аъзоларини сайлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш, шу жумладан, улар билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш масалаларини кўриб чиқиш;

Қўмитага маълум бўлган барча ахборотлар асосида Кузатув кенгашига номзоди кўрсатилган шахсларнинг касбий малакаси ва мустақиллигини таҳлил қилиш;

Кузатув кенгаши ва унинг қўмиталари иш тартибини такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг корпоратив котиби лавозимига номзодлар бўйича Кузатув кенгашига тавсияларни шакллантириш;

Кузатув кенгаши аъзоларини ва Кузатув кенгаши қўмиталарини ўзини-ўзи баҳолаш ёки ташқи баҳолаш бўйича ҳар йили расмийлаштирилган тартиботни ўтказиш, Жамиятнинг йиллик ҳисоботига киритиш учун ўзини-ўзи баҳолаш ёки ташқи баҳоланиш натижалари тўғрисида ҳисобот тайёрлаш;

Кузатув кенгаши аъзоларининг шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кенгашнинг айрим аъзолари учун ўқитиш ва малака ошириш дастурларини шакллантириш ҳамда ушбу дастурларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

Кузатув кенгаши аъзолари, Бошқарув раиси ва аъзолари ҳамда бошқа

мансабдор шахсларини мукофотлаш сиёсатини ишлаб чиқиш, зарурат бўлганда, уни қайта кўриб чиқиш ва унга ўзгартиришлар киритиш;

Бошқарув раиси ва аъзоларини, Кузатув кенгаши аъзоларини ҳамда бошқа мансабдор шахсларини мукофотлаш бўйича таклифлар (тавсиялар)ни шакллантириш;

Бошқарув раиси ва аъзоларини ҳамда бошқа мансабдор шахсларининг фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ ва (ёки) компенсация тўлаш бўйича қарор қабул қилиш учун Ягона акциядор муҳокамасига таклифлар тайёрлаш;

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш учун олдиндан кўриб чиқиш ва таклифлар тайёрлаш;

мукофотлаш сиёсатида назарда тутилган мезонлардан келиб чиқиб йил натижаларига кўра Бошқарув аъзоларининг фаолиятини дастлабки баҳолаш;

йил натижалари бўйича корпоратив маслаҳатчи фаолиятини дастлабки баҳолаш ва уни мукофотлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзоларини мукофотлаш тўғрисидаги ахборотнинг ўз вақтида ошкор қилиниши устидан назорат олиб бориш;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларига киритиш учун Қўмита фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот тайёрлаш ва Бошқарувга тақдим этиш;

Кузатув кенгаши томонидан юклатилган бошқа вазифаларни бажариш.

IV. Қўмита мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

12. Қўмитанинг навбатдаги мажлислари ҳар ойда ёки ҳар чоракда бир маротаба ўтказилади. Қўмитанинг навбатдан ташқари мажлислари Ягона акциядор, Кузатув кенгаши, Қўмита аъзоларининг талаби билан, Бошқарув аъзоларининг сўровига кўра чақирилади.

13. Қўмита аъзолари Қўмитанинг мажлисларида шахсан қатнашишлари шарт. Агар мажлисда қатнашиш имконияти мавжуд бўлмаса, Қўмита аъзоси сабабларини кўрсатган ҳолда Қўмитани бу ҳақда хабардор қилади. Бунда Қўмита мажлиси кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда масофадан туриб иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мумкин.

14. Қўмита аъзолари муайян масаланинг кечиктирилмай ҳал этилиши талаб қилинадиган ҳолатлар юзага келган тақдирда, Қўмитанинг шошилинч мажлиси чақирилишини талаб қилишлари мумкин.

15. Қўмита аъзолари Бошқарув аъзоларини ва бошқа шахсларни Қўмита мажлисларига қатнашиш учун таклиф қилиши, шунингдек зарур бўлганда улардан ахборот талаб қилиши мумкин.

16. Қўмита ўз мажлисларини Кузатув кенгаши мажлисларидан олдин ўтказди.

17. Қўмита раиси Қўмита мажлисидаги барча иштирокчиларга уни лозим даражада ўтказишга тайёргарлик кўриш ва унда кўтарилган масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиш имкониятларини яратади. Қўмита аъзолари Қўмита мажлисларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда уларда иштирок этиш учун етарли даражада вақт ажратишлари лозим.

18. Қўмита мажлисида Қўмита аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади, бунда Қўмита раиси иштирок этиши шарт.

19. Қўмитанинг мажлисида қарор, агар Жамият Уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда иштирок этган Қўмита аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

20. Қўмитанинг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Қўмитанинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар тенг келган тақдирда, Қўмита раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Қўмитанинг қарорига розилик билдирмаган Қўмита аъзоси ўзининг мажбурий тартибда мажлис баённомасига илова қилинадиган алоҳида фикрини қайд этиб қўйиш ва уни Кузатув кенгаши эътиборига ҳавола қилиш ҳуқуқига эга.

21. Қўмитанинг қарори Қўмита мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Қўмита мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади. Ушбу баённома мажлисда иштирок этган Қўмита аъзолари томонидан имзоланади.

22. Қўмита мажлисининг баённомаси Жамиятнинг Корпоратив котиби ёки Қўмита аъзолари тайинлаган шахс томонидан юритилади.

23. Қўмита раиси:

Қўмитанинг ишини ташкил этади;

Қўмита мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

Қўмита мажлисларида баённома юритилишини ташкил этади;

Жамият ички норматив ҳужжатлари ва мазкур Низомда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

24. Қўмита мажлисининг баённомасини юритувчи котиб:

Қўмита мажлислари баённомаларини юритади ва расмийлаштиради;

Қўмита томонидан кўриб чиқилиши учун кун тартибидаги масалалар

бўйича материалларни тайёрлайди ва тақдим қилади;

Қўмитанинг қарорларини, хулосаларини ва баённомаларини олувчиларгача етказди.

25. Қўмита ваколати доирасида қабул қилинган барча қарорлар қабул қилинган кунидан бошлаб, Бошқарув аъзолари ва бошқа мансабдор шахслари учун бажарилиши мажбурийдир.

26. Қўмита қарорларида кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар қарорнинг ўз вақтида ҳамда қарор ижросига мос равишда бажарилишига шахсан жавобгардирлар.

27. Қўмита қарорлари ижросини назорат қилиш Қўмита раиси томонидан амалга оширилади.

V. Қўмита аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

28. Қўмита аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бошқарув аъзоларидан ва Жамиятнинг бошқа мансабдор шахсларидан ўз фаолияти учун керакли барча ҳужжатларни ва материалларни тақдим этишни талаб қилиш;

агар Жамиятга жиддий моддий зарар етказилишига олиб келган ёки етказилишига олиб келиши мумкин бўлган қоидабузилишлар аниқланса, Кузатув кенгаши мажлиси чақирилишини талаб қилиш;

Жамиятнинг таркибий бўлинмалари ходимлари, шу жумладан раҳбарларидан кўриб чиқилаётган масалалар бўйича изоҳлар талаб қилиш;

айбдор ходимларни интизомий, мулкий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиш масалаларини Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим қилиш;

Жамиятнинг дастлабки бухгалтерия, молия ва бошқа ҳужжатларидан фойдаланиш;

Қўмита ваколатлари доирасидаги қарор ва топшириқларни бажариш, Қўмита ваколатига кирувчи масалаларни муҳокама қилиш мақсадида зарур ҳолларда Қўмита раиси қарори билан Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзоларини, Жамиятнинг мансабдор шахсларини Қўмита мажлисларига иштирок этиш учун таклиф этиш;

Қўмита фикрига кўра масалани чуқурроқ ўрганилиши зарур бўлса, Қўмита ваколатига кирувчи масала бўйича ўз ташаббусига кўра, Кузатув кенгашининг бошқа қўмиталарининг фикрини талаб қилиб олиш;

Қўмита мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш, кун тартибидаги масалалар, қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикрини Қўмита мажлиси баённомасига киритишни талаб қилиш;

Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаш учун мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар бериш;

тақдим этилган ҳужжатлар асосида тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш ва Кузатув кенгаши муҳокамасига киритиш;

Қўмита мажлиси кун тартибига киритиш учун масалалар таклиф қилиш.

29. Қўмита аъзоларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

қонунчилик, Жамият Устави, мазкур Низом ва Жамият ички норматив ҳужжатлари асосида ўзига юклатилган вазифаларни бажариш ҳамда ўз фаолиятини сидқидилдан олиб бориш;

ўз вазифаларини бажаришда, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга оширишда Жамият ва Ягона акциядор манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

мукофотлаш сиёсатини тасдиқлаш учун Кузатув кенгашига киритиш ҳамда унинг ижросини назорат қилиш;

Жамиятнинг тижорат ва хизмат сирларини ошкор этмаслик ҳамда махфийлик талабларини бажариш.

30. Қўмита мунтазам равишда (одатда йиллик йиғилишдан сўнг, лекин камида олти ойда бир марта) Кузатув кенгашига ўз иши тўғрисида ҳисобот беради.

VI. Қўмита аъзоларининг жавобгарлиги

31. Қўмита аъзолари ўз хизмат вазифаларини бажаришда Жамиятга алоқадор ҳужжатлардан фойдаланаётганда уларнинг махфийлигини сақлаш учун жавобгардирлар.

32. Қўмита аъзолари ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга етказилган зарарнинг тўлиқ қопланиши учун жавобгардирлар.

33. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Қўмита аъзоси жавобгар бўлмайди.

VII. Яқунловчи қоидалар

34. Мазкур Низом Кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

35. Қуйидаги ҳолатларда ушбу Низомга Кузатув кенгашининг қарорлари билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин:

Ягона акциядорнинг талабига кўра;

Кузатув кенгаши аъзоларининг ва Бошқарувнинг таклифларига асосан;

ушбу Низомда назарда тутилган муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари талаблар ўзгарган тақдирда;

Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда.

36. Ушбу Низомнинг айрим бандлари ўз аҳамиятини йўқотган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, Низомнинг бошқа бандлари ўз кучида қолади.